



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 8 сентябрь, № 193 (7973)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикаимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги "Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6091-сон Фармони ва 2021 йил 13 июлдаги "Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги ПК-5184-сон қарорига асосан экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдоли молиялаштириш кредитлари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 миллион АҚШ доллари ажратилганиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2021 йил 1 октябрдан бошлаб: Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ доллари билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдоли молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилиши;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлики либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб: камерал солиқ текшируви натижалари

бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўлланилмайди; тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилинади.

2. Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил январь — июль ойларига эксперимент тартиқисда Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасида ҳисобда турган солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, айланмадан олиннадиган солиқ ва юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботларининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ва

шакллантириб берилиши тўғрисидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, эксперимент доирасида: а) солиқ органлари: юридик шахслардан олиннадиган ер солиғини — Кадастр агентлиги органлари маълумотлари асосида;

қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олиннадиган солиқни — электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради ва солиқ ҳисоботини шакллантиради;

(Давоми 3-бетда).

Ҳамкорлик

ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЁЛ РАҲБАРЛАРИНИНГ 14-САММИТИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Вена шаҳрида Австрия Республикаси Парламенти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари саммитида иштирок этди.

Саммитда пандемия оқибатларини бартараф этиш ва мамлакатларни пандемиядан сўнг тиклашда аёллар фаол иштирокини таъминлаш масалалари батафсил муҳокама қилинди. Нуфузли анжуманда иштирокчиларга Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда бу борда қўлга киритилаётган натижалар хусусида атрафлича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг пандемиядан кейинги даврдаги устувор йўналишларидан бири хотин-қизларнинг иқтисодий ҳаётда иштироки ва фаолигини ошириш ҳамда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга грантлар, кредитлар ажратиш, шунингдек, қизлар ва аёлларни ўқитиш ва касб-хунарларга ўргатиш бўйича халқаро тажрибани ҳаётга кенг татбиқ этишдан иборат бўлиб қолаверади.

3

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ


Шу йилнинг 24 октябрида мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Айтиш керакки, сўнгги йилларда юртимизда сайловларни ҳар томонлама демократик, очик-ошкора ва адолатли тарзда ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.



Маълумки, жорий йилнинг 23 июль куни Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида старт берилди.

3

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!



МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТГАН ЯНГИ ДАВРОНИМ

Инсон орзусиз яшаши мумкинми? Эртанги кунга ишончини йўқотган, келажакка умиди сўнгган одамнинг ҳаётидан мазмун, файзу ҳаловат қидириш қанчалик мантиқли? Қорақалпоқ элининг энг катта бойлиги — Ороли. Аммо ҳайҳотдек денгизнинг чекинши қисматнинг оғир синови. Урнида ҳосил бўлган яйдоқ кенгликлар, адоқсиз кум барханлари ва юз миллион тонналаб туз уюмлари эса шу минтақа одамларининг қовжираган орзу-умидларига ўхшарди.

Аммо Орол дарди олам дардига айланадиган умидбахш кунлар олдинда экан. 2016 йил 10 ноябрь санаси ҳеч қачон едимдан чиқмаса керак. Уша куни Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловда учрашувда Шавкат Мирзиёев биргина таскину илинжга ҳам маҳтал бўлиб турган элнинг қалбида денгизни тўлқинлантириб юборгандай бўлди. "Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!" деганди ўшанда бўлажак давлатимиз раҳбари.

Тақдир ҳукми — Яратгандан! Аммо шу замин фарзандлари билан қисматдошлик юкени мардонвор гарданга олиб, уларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириш учун бор имкониятини ишга солиш — инсонийликнинг олий мезони, халқлараралиқнинг юксак намунаси.

Катта минбарлардан айтилиб, қозғолардан ҳаётга кўнмай қолиб кетган не-не балиндарвоз чақирғу ваъдаларга гувоҳ бу эл. Лекин янги Ўзбекистондаги янги қадамлар кўтлуг келди. Бундан қарийб беш йил аввал Оролбўйи минтақасида ҳам янги ҳаёт эпкили эса



бошлади. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган чўлу биёбонларга бунёдкорлик, яратувчанлик нафаси кириб келди. Қум барханлари бағрини ёриб ўтган темир йўллар кишилар қалбига қайтадан умид олиб кирди.

4

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Уларда мамлакатимизнинг истиклол йилларидаги юксак муваффақиятлари эътиборга қайд этилган. Кейинги йилларда демократик янгиланишлар, кўп миллатли халқимиз турмуш сифати ва фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини амалга оширишдаги натижалар, шунингдек, янги Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи роли эътироф этилишига ва мамлакатимиз халқаро нуфузининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётган конструктив ва прагматик ташқи сиёсатини олиб боришдаги ютуқлар таъкидланган.

Мақтубларда давлатимиз раҳбарига янги муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилаклари изҳор этилган.



Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимиз халқига Ўзбекистон Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўзининг самимий табрик ва тилақларини билдирди.

Уз табригида Ҳиндистон ва Ўзбекистон чўқур тарихий алоқаларга асосланган яқин ва дўстона муносабатларга эга эканини таъкидлади. Рам Натх Ковинд турли даражадаги стратегик шериклик ва ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, минтақавий ва кўп томонлама форумларни кенгайтириш давом этишини таъкидлади.


Ҳиндистон Республикаси Президенти мамлакатимиз раҳбарига сўхат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда муваффақиятлар тилади.



Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла Ўзбекистон Республикасига порлоқ келажак тилаган. Унинг таъкидлашича, икки томонлама алоқалар сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда сезиларли даражада фаоллашган. Италия Президенти бу алоқаларнинг келажакда ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий даражада янада ривожланишига умид қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан муносабатларини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлашни билдирган.




Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ўзининг Президент Шавкат Мирзиёевга табригида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона муносабатларга ургу бериб, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз янгидан-янги лойиҳаларни амалга оширишга ҳамда Арманистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро алоқаларни янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилишига ишонч билдирган.



Грузия Президенти Саломе Зурабишвили Грузия халқи ва шаҳсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни мамлакат Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан табриклар экан, Ўзбекистон Грузиянинг узок йиллик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган муҳим шериги эканлигини таъкидлади. У бугунги мураккаб даврда бу шериклик ўзаро ҳурмат ва бирдамлик руҳида янада ривожланишига ишонч билдирди.



Молдова Республикаси Президенти Майя Санду ҳам ўзининг самимий тилақларини йўлади. Уз табригида у Ўзбекистон бундан буюн ҳам тараққиёт ҳамда мамлакат ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар йўлидан оғимаслигини таъкидлаган. Шунингдек, фурсатдан фойдаланиб, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Молдова Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси



Литва Республикаси Президенти Гитанас Науседа Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўз табригини изҳор этар экан, мамлакатимизга узок йиллик тинчлик ва фаровонлик, халқимизга эса саломатлик ва муваффақиятлар тилаган. Шунингдек, у жорий йил яна бир муҳим сана — мамлакатларимиз мустақиллиги ўзаро тан олинганига 30 йил тўлганини таъкидлади.

Табрикномада қайд этилишича, Ўзбекистон Литванинг Марказий Осиёдаги асосий савдо шериги, бироқ бу ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар хали кўп. Литва Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлайди. Таъкидланишича, янада яқин мулоқот Ўзбекистоннинг иқтисодий равақига, демократик ислохотлар ва самарали давлат бошқарувига кўмаклашади, икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Эстония Республикаси Президенти Керсти Кальюлайд табрик йўллаб, мустақиллик Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очганини, дунё ҳамжамиятида суверен ва замонвий давлат сифатида ривож топиш истиқболини белгилаб берганини таъкидлади. Унинг қайд этишича, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам ўзаро манфаатли равишда давом этaveraди.



Греция Республикаси Президенти Катерина Сакелларопулупо Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан грек халқи ва шаҳсан ўз номидан самимий табрик йўллаб, Ўзбекистон халқига тараққиёт, Президент Шавкат Мирзиёевга муваффақиятлар тилаган.



Чехия Республикаси Президенти Милош Земан Президент Шавкат Мирзиёевни давлат байрами муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон раҳбари ва бутун ўзбек халқига муваффақият ва фаровонлик тилади.

Жаноб Земан, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик умумий манфаатларнинг барча соҳаларида ривожланишда давом этишига ишонч билдирди.



Мамлакатимиз мустақиллиги кунини муносабати билан Швеция қироли Карл XVI Густаф Ўзбекистон халқига ўзининг самимий табриги ва эзгу тилақларини йўлади.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Бахрайн Қироли Ҳамад ибн Исо Ол Халифа ўзининг самимий табриклари ва энг эзгу тилакларини йўллади. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Шавкат Мирзиёевга сихат-саломатлик, бахт-саодат, халқимизга эса унинг оқилона раҳбарлигида давомий тараққиёт ва фаровонлик тилади.

Ушбу муҳим сана нишонланиши муносабати билан **Бахрайн Валиаҳди, Бош вазири Салмон ибн Ҳамад ибн Исо Ол Халифа** ҳам давлатимиз раҳбарига ўзининг самимий табригини йўллади.

Дўст Ўзбекистон халқига барқарор тараққиёт ва фаровонлик, саломатлик ва муваффақиятлар борасидаги яхши тилаклар етказилди.



Иордания қироли Абдуллоҳ II ибн Ҳусайн Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларини йўллаб, мамлакат ва халқимизга янада тараққиёт этиши ва равақ топишини тилади.



Кувайт давлати амири Сабоҳ Ал-Аҳмад Ал-Жобир Ал-Сабоҳ миллий байрам муносабати билан ўз табрикларини Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон фуқароларига йўллади. Шу билан бирга, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мустақам алоқаларни янада ривожлантиришга тайёргилини билдирди.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланиши муносабати билан **Бруней-Доруссалом султони Ҳожи Ҳасанал Болқиях** ҳам ўзининг самимий табригини йўллади.

Дўст давлат раҳбари икки томонлама муносабатларни мустақамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг давом этишига умид билдирмоқда. Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик борасидаги тилаклари етказилди.



Марокаш қироли Муҳаммад VI ҳам Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўз табригини юборди. У Ўзбекистон халқини самимий қўллаб, келгусида муваффақиятлар ва фаровонлик тилади.

Марокаш ҳукумати яқин келажакда самарали ҳамкорлик фақат кенгайтиришга умид билдирди ва Ўзбекистон билан яқин дўстона алоқалар ва ўзаро муносабатларни қадрлаши таъкидланди.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **Жазоир ҳукумати** ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни **Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулмажид Теббун** табриклади.

У давлатимиз раҳбарига мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилади. Абдулмажид Теббун Ўзбекистон ва Жазоир халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликка асосланган муносабатларни мустақамлаш, барча соҳаларда икки томонлама манфаатли алоқаларни янада юқори даражага кўтариш учун Жазоир барча имкониятларини ишга солишга тайёр эканлигини билдирди.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **Ироқ Республикаси Президенти**

Бархам Солих Ироқ халқи ва ўз номидан самимий табриги ва эзгу тилакларни йўллаб, халқларимиз манфаатлари йўлида турли соҳалардаги давлатлар ўртасидаги муштарак ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга тайёр эканлиги таъкидлади.



Канада генерал-губернатори Мэри Мэй Саймон Президентимиз ва Ўзбекистон халқини табриклаб, Канада давлатларимиз ўртасидаги шериклик алоқаларини ниҳоятда қадрлашни ва иқтисодий ҳамда бир қатор масалалар, хусусан, минтақавий тинчлик ва хавфсизлик, иқлим ўзгаришлари ва минтақада сув ресурсларини бошқариш бўйича икки томонлама муносабатларни мустақамлаш тарафдори эканлигини, шунингдек, устувор соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштиришга умид қилишини билдирган.



Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Нгуен Суан Фук ўз табригида ўтган даврда жаноб Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ва унинг халқи эришаётган ютуқлардан вьетнамликлар ниҳоятда хурсанд эканлигини таъкидлаган. Вьетнам Ўзбекистон Республикаси билан аънавий дўстона алоқаларини жуда қадрлайди ва бу муносабатлар 2022 йилда ўзаро дипломатик алоқалар йўлга қўйилганининг 30 йиллигини нишонлайдиган халқларимиз орзу-умидларига ҳамоҳанг тарзда янада ривожланишига ишонади, дейди у.



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти Тхонглун Сисулитнинг** умумхалқ байрами муносабати билан қутловларини қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан барча Лаос халқи номидан самимий қутлов ва эзгу тилаклар билдирилди.

Президент Тхонглун Сисулит Лаос Халқ Демократик Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тинчлик ва барқарорлик учун халқларимизнинг ўзаро манфаатлари йўлида янада мустақамлашни, ривож топиб боришига ишонч билдирди.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан **Таиланд Қироли Маха Вачиралонгкорн** табрик йўллаб, Ўзбекистон ва унинг халқига соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик тилади.

Табрикномада, шунингдек, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик алоқалари, шубҳасиз, ўзаро кўп қиррали ҳамкорлигимизни янада мустақамлашга хизмат қилиши таъкидланган.



Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель Бермудес Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табрик йўллаб, ўзбек халқига ўзининг энг эзгу тилакларини изҳор этган.



Никарагуа Республикаси ярашув ва миллий бирдамлик ҳукумати номидан **Даниэль Ортега Сааведра** ва **Росарио Мурильо** халқларимиз ва ҳукуматларимизнинг тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида бирлаштирувчи дўстлик ришталари, бирдамлик ва ҳамкорликни янада мустақамлаш тарафдори эканликларини фахр билан изҳор этишган.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги билан Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон халқини **БМТ Бош қотибининг Махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман** табриклади.

Табрикномада таъкидланишича, 30 йил ичида Ўзбекистон ўзининг очиқ ва конструктив ташқи сиёсати, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган минтақавий ва халқаро миқёсдаги муҳим ташаббуслар туфайли дунё ҳамжамиятида муносиб обрў-эътибор қозondi.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон — иқтисодий, маданий ва маънавий уйғониш жараёни давом этаётган, учинчи Ренессанснинг мустақам пойдеворини яратётган кенг миқёсли демократик ўзгаришлар, улкан имкониятлар ва амалий ҳаракатлар мамлакатидир.

Герман хоним Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал даражада кун тартибда турган тинчлик ва хавфсизликка оид долзарб масалалар бўйича қўшни мамлакатлар билан конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини олқишлаган.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори жаноб Цюй Дуньбой Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан ўзининг энг эзгу тилакларини йўллади. Табрикнома орқали Президент Шавкат Мирзиёевга саломатлик ва бахт-саодат, ўзбек халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик тилаклари етказилди.



Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (ҚХРХЖ) президенти Жильбер Фоссун Унго ҳам ўз табригини йўлаган бўлиб, унда кейинги бир неча йилда Ўзбекистонда амалга оширилган муҳим ислохотлар иқтисодий ўсишга туртки бергани таъкидланган. Қайд этилишича, бизнинг мамлакатимиз ҚХРХЖга 2011 йилда қўшилган ва шундан буён ҳамкорлигимиз жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бу борада ҚХРХЖ Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришларига мослашувчан кичик ҳажмли кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини, ёшларнинг иқтисодий истиқболларини кенгайтириш бўйича асосий шериги сифатида эътироф этилган.

Шунингдек, ҚХРХЖ Ўзбекистон ҳукуматида кишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларида, мамлакатда кишлоқлардаги камбағалликни қисқартиришга



бўлган интилишларида доимий елкадош эканлиги таъкидланган.

Жаҳон боғжона ташкилоти Бош қотиби Кунио Микурия ўз табригида ЖБТнинг Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожидида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ролини ниҳоятда қадрлашни маълум қилиб, бу ўзаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришнинг намунаси эканлигини таъкидлаган ҳамда ЖБТ ва Ўзбекистон, айниса, Давлат боғжона қўмитаси билан ҳамкорликни давом эттириш тарафдори эканлигини билдирган.




Европа тикланиш ва тараққиёт банки Президенти Одиль Рено-Бассо мамлакатимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан табрик йўллади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон катта ютуқларга эришди

ва нафақат минтақа, балки унинг ташқарисидида ҳам намуна бўлгулик бу ютуқлар бутун дунё томонидан эътироф этилмоқда.



Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилот директори Фернандо Ариас ўз табригида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқига энг эзгу тилакларини изҳор этган.

Жаноб Ариас, шунингдек, мамлакат раҳбариятига Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилотни қўллаб-қувватлаганлиги ҳамда кимёвий қуролдан холи бўлган тинчликка эришиш йўлида глобал саъй-ҳаракатлар доирасидаги яқин ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирган.



Туркий Кенгаш Бош қотиби Багдад Амреев Ўзбекистон Мустақиллигининг 30 йиллиги билан Туркий тили давлатлар ҳамкорлиги Кенгаш ва шахсан ўз номидан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва энг яхши тилаклар изҳор этди.

У шуни алоҳида қайд этдики, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янги давлат ва жамият қуриш бўйича тарихий ишлар амалга оширилган, матонатли ва олижаноб ўзбек халқининг иродаси ва улкан салоҳияти билан катта ютуқларга эришилган.

Багдад Амреев мамлакатимиз раҳбарининг туркий давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион, туристик, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, қардош халқларимизнинг буюк маданий ва тарихий меросини сақлаш ва оммалаштириш бўйича саъй-ҳаракатлари учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Туркий Кенгаш Бош қотиби мамлакатимиз Президентига мустақам соғлиқ, бахт ва катта зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилади.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **ТУРКСОЙ Бош қотиби Дюсен Касеинов** ўзининг самимий табригини йўллади. Унда Ўзбекистон халқининг бирдамлик руҳи Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда ривожланиб бораётгани таъкидланади.

ТУРКСОЙ Бош қотиби, шунингдек, туркий халқлар ўртасида қарор толган ҳамкорлик янада ривожланишига ва барча соҳаларда муҳим муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **Ислам дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим Ал-Малик** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва бутун халқимизни самимий муборакбод этди.

Салим Ал-Малик ICESCO номидан мазкур ташкилот ҳам бу тантанали кунни давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқи билан бирга нишонлаётганини таъкидлади. Унинг қайд этишича, ICESCO ташкилотга аъзо давлатларни қўллаб-қувватлашда ва улар билан ўзоқ муддатли ҳамкорлик қилишда давом этади.



Москва ва бутун Рус Патриархи Кирилл муҳим сана — Мустақилликка эришганимизнинг 30 йиллиги муносабати билан табригида таъкидлаганидек, Ўзбекистон халқи суверенитет йилларида сиёсий, ижтимоий ва маданий янгиликлар билан боғлиқ катта йўлни босиб ўтди. Утган ўн йилликда эса мамлакат тараққиётида, иқтисодиёт модернизациясида, миллатлараро ва динлараро мулоқотнинг йўлга қўйилишида муҳим босқич бўлиб қолди.

Давлатимиз раҳбарига Рус Православ Черковининг Тошкент епархиеси фаолиятига қаратилган эътибори учун алоҳида миннатдорлик изҳор этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва барча эзгу ниятли жамоатчиликнинг конструктив ҳамкорлиги эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЭКСПОРТЧИ ҚОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

охирги ўн икки ой давомида 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган қорхоналарга асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар олиб киришда боғлиқ тўловларни тўлаш бўйича фойз ҳисобланмаган ҳамда уларнинг тўлиғини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисидаги қарорларга розилик берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўловлар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш мuddатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низоғга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қардорлик учун ҳужайма юритувчи субъектларга нисбатан жарималар қўлланилиши, шунингдек, ушбу Фармон кучга киргунга қадар қўрилган қарималар ундирилиши 2021 йил 31 декабрга қадар тўхтатилади;

2021 йил 1 октябрдан юқори сифат ва назорат тизимиغا эга мамлакатлардан сертификатланган ва декларацияланган асбоб-

уқуна, бутловчи қисмлар, хом ашё, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаби бекор қилинади;

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қорхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдоли молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталиқ молиявий ресурслар тақдим этиш тартибини тасдиқлаш ва ўзгартириш қиритиш ҳуқуқи берилди.

4. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (С.У.Умурзаков) икки ҳафта мuddатда:

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдоли молиялаштириш кредитлари учун бир марталиқ молиявий ресурслар тақдим этиш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Европа мамлакатларига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини

компенсация қилиш тизимини бир йил мuddатга жорий этсин;

сертификатланган ва декларацияланган асбоб-уқуна, бутловчи қисмлар, хом ашёлар, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайдиган юқори сифат ва назорат тизимига эга давлатлар рўйхатини тасдиқласин.

5. Белгилашсинки, тарих (ТИФ ТН кодлари 1008 21 000 0, 1008 29 000 0), қурилган дуқакли экинлардан олинган ун ва қуқун (ТИФ ТН коди 1106 10 000 0), мева ва ёнғоклардан олинган ун ва қуқун (ТИФ ТН коди 1106 30 900 0) экспорти учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси руҳсати талаб қилинмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 7 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчилар учун белги-ланган тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этиш мuddатидан камида 10 кун олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали юборилди;

в) солиқ тўловчи солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботини олган кундан бошлаб 5 кун ичида уни тасдиқлайди ёки агар эътирозлари мавжуд бўлса, уни рад этган ҳолда, солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва ўрнатилган тартибда солиқ органларига тақдим этади.

4. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазир-лик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2022 йил 1 январга қадар солиқ тўлов-чиларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинмаган солиқни ҳисоблаш учун зару-р бўлган солиқ солиш объекти ёки солиқ солиш билан боғлиқ бошқа объектларни электрон ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш им-кониятларини яратсин;

б) қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2021 йил 1 ноябрга қадар қрончилик ҳуж-жатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган

ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида, шунингдек, солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ бошқа объектлар бўйича маълумот тақдим этиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик чо-раларини кучайтириш бўйича тақлифларни;

2022 йил 1 августга қадар эксперимент натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда уни рес-публиканинг барча ҳудудларидаги солиқ тўловчи-ларга татбиқ этиш ҳамда солиқ органлари томо-нидан солиқ ҳисоботи шакллантириладиган солиқ-лар рўйхатини кенгайтириш бўйича тақлифларни.

5. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Қудбиев белгиласин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 августга Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 7 сентябрь

Фракцияларда

НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРА ОЛАДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 66 та микрокредит ташкилоти, 67 та ломбард ва битта ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар ишини тартибга солиш эса бир қатор қонунлар, Президент Фармони ва Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётгани соҳада қатор нуқулалликларни келтириб чиқармоқда.



Депутатлар томонидан айтиб ўтилганидек, дунёда нобанк кредит ташкилотининг умуммил-лий таърифи мавжуд эмас. Ушбу масала давлатнинг молиявий тизимини тартибга солиш амалиётидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Бунда бир қатор мамлакатларда фаолият давлатнинг махсус назорати остида бўлиши лозим бўлган молия ташкилотлари "нобанк кредит ташкилотлари" ёки "нобанк кредит-мо-лия ташкилотлари" деб номланади. Бугунги кун-да нобанк кредит ташкилотлари сифатида мик-

рокредит ташкилотлари лицензия асосида ломбардлар Марказий банкни хабардор этиш орқали фаолиятини амалга оширмоқда.

Шунингдек, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусия-ти — тижорат банкларига кредит ресурсларини ажратиш ва ипотека кредитларини қайта молия-лаштиришдан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида ушбу ташкилотлар ҳам нобанк кредит ташки-лотлари таркибига киритилмоқда.

Лойиҳада нобанк кредит ташкилотлари хиз-

матлари истеемолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қоидалар белгилаб қўйилаётгани-ни фракция аъзолари ижобий баҳолади.

Фракция ййгилишида, шунингдек, "Ёшлар билан ишлаш тизими тақомиллаштирилиши муно-сабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгарти-ришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига қатор

вазифа ва ваколатлар белгилашмоқда. Хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари ва имкониятларидан тўлиқ фойда-ланишларига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, айниқса, воя-га етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жи-ноятчиликнинг олдини олишда фол қатнаши-лари белгилашмоқда.

Шунингдек, вояга етмаганларни турли ахбор-рот хуружлари, радикал гоя ва ёт мафқуралар-да ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларда иштирок этиши ҳамда озоодликдан маҳрум қилиш жойларидан озоод этилган вояга етмаганларнинг иқтимоий мослашувига қўмаклашиш масаласи-га лойиҳада алоҳида ургу берилмоқда.

Тадбирда муҳокамадаги қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позиция-сидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва муноса-батлар билдирилди ва кун тартибидаги маса-лалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатор ва ҳаёт АҲОЛИНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЧУҚУР ЎРГАНИЛЯПТИ

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, турли тадбирлар ва учрашуларда қатнашмоқда. Муҳими, шу жараёнда парламент юқори палатасининг ўн саккизинчи йлги мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўрилган бошқа долзарб масалалар, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳамда амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг очиб берилишидан ташқари, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар чуқур ўрганилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақ-лаш масалалари қўмитаси раиси Одиқжон Иминов Сурхон-дарё вилоятида бўлиб, аҳоли билан учрашди. Ана шундай тадбирлардан бири Бандихон туманида бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, Банди-хон воҳанинг энг ёш тумани бўлиб, бу ерда бир қатор ти-зимли муаммолар мавжуд.

Сенатор Манзура Салимова Фарғона вилоятининг Марғи-лон шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабида ташкил қилинган байрам тадбирида қатнашиб, навқирон авлод ва-киллариغا янги ўвв йилда улкан зафарлар тилади.

Ўз навбатида, сенатор томонидан "Мустақиллик шукронаси" дарси ўтилди ва унда мамлакатимизнинг та-раққиёт йўли, эркин ҳамда фаровон ҳаётга эришиш мақсадида турли соҳаларда олиб борилган ўзгариш ва янгиликларни хусусида сўз юритилди. Келажакимиз во-

рисларига Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, имконият-дан унумли фойдаланган ҳолда, юрт тараққиётига му-носиб ҳисса қўлиш лозим-лиги таъкидланди.

Шунингдек, сенатор ша-ҳардаги 19-мактабга таъ-лим муассасасида ўрганиш ишларини олиб борди. Бо-лажонларга зарур шароит-ларни яратиб берish, таом-номанинг талаб даражаси-да бўлиши, куз-қиш масву-мига пухта тайёргарлик кўриш, иссиқлик таъминоти-ни яхшилаш юзасидан ҳам фикрлар билдирилди.

Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Кутбиддин Бурхонов ҳамда Хотин-қиз-лар ва гендер тенглик ма-салалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова Тош-кент вилоятида бўлиб, пар-ламент юқори палатаси на-зоратида турган аҳоли му-рожаатлари билан боғлиқ масалани чуқур ўрганди.

Гап шундаки, Тошкент ша-ҳар, Мирзо Улугбек тумани, Ўқитувчилар кўчасида жой-лашган турарой бинолари давлат ва жамоат эҳтиёжла-ри учун олиниши муносабати билан у ерда яшовчи аҳоли Қиبرىй тумани, Дўрмон қи-шлоғига кўчирилган ва фуқа-ролар ҳудудда газ, электр энергияси, сув, канализация тармоқлари учун етарлиқ шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги юзасидан Олий Мажлис Сенатига муурожаат қилган эди. Бу масала Се-натнинг ўн еттинчи йлги ма-жлисида ҳам муҳокама қили-ниб, тезкор ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўрганиш давомида ер майдонини олиб қўйилган фуқароларга Вазирлар Маҳ-камасининг тегишли қарори билан Дўрмон қишлоғи ҳуду-дидан 28,47 гектар ер май-дони яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ажратил-гани ва мулкларини баҳола-тиб, компенсация пулини тўлаб бериш бўйича му-ро-

ОНЛАЙН ҚИМОР ЁКИ ЁШЛАР ОРАСИДА СПОРТГА ПУЛ ТИКИШ (БЕТТИНГ) ОММАЛАШМОҚДА

ДЕПУТАТЛАР МУАММОНИНГ ҚОНУНИЙ ЕЧИМИ ХУСУСИДА ФИКР АЛМАШДИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида депутатлар "Реклама тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Тақлиф этилаётган лойиҳанинг асосий мақсади рекламани таъбирлаш, жойлаштириш ва тарқатиш (реклама-нинг айланishi) соҳасидаги муноса-батларни тартибга солишдан иборат. Шу боис қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муҳим тузатишлар киритилди. Хусусан, 7 боб, 51 моддадан иборат қонун лойиҳаси, ҳозирги кунга келиб 8 та боб, 54 мод-дага келтирилди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси мукамал тайёрлангани ва у реклама берувчининг барча саволига тўлиқ

жавоб беришини айтиб, уни қўллаб-қувватлашди.

Ййгилишида "Ёшлар билан ишлаш ти-зими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига қўшимча кир-итиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Лойиҳа 4 та қонунга ўзгартиш ки-риштишини назарда тутди. Мазкур ўз-гаришлар Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фа-олиятини тақомиллаштириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, бола-

ларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларига аниқлик киритиш билан боғлиқ.

Ййгилишида "Нобанк кредит ташки-лотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳо-камалар марказида бўлди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари томонидан лойиҳанинг айрим бандларига тузатишлар киритиш юза-сидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Халқ вакиллари Қонунчилик му-аммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан букмекерлик фао-лиятини қонуний жиҳатдан тартибга со-лиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб

чқди. Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистон-

да ҳам онлайн қимор, айниқса, ёшлар орасида спортга пул тикиш (беттинг) оммалашиб бормоқда. Бунинг оқибати-да оилавий низолар, турли кўнгилсиз ҳодисалар юзгага келмоқда.

Тахлиллар давомида букмекерлик фаолияти механизми, хусусан, иш юритиш талаблари, руҳсат бериш тар-тиб-таомиллари, букмекерлик фаолият-ини амалга оширишдаги чекловлар иж-тимоий муносабатларнинг қонун билан тартибга солилмагани аниқланди.

Бир қатор хорижий давлатларда бук-мекерлик фаолияти қонун билан тар-тибга солинади. Хусусан, Буюк Брита-ния қонунчилигида (Gambling Act, 2005) вояга етмаган шахсларни қимор ва га-ров ўйинларидан ҳимоя қилиш масала-лари, хусусан, вояга етмаган шахслар-

«Халқ сўзи».

ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЁЛ РАҲБАРЛАРИНИНГ 14-САММИТИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Шунингдек, тадбирда Жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити-ни 2022 йилда Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Таъкидланганидек, дунё мам-лакатлари парламентлари аёл раҳбарлари иштирокидаги бундай ма-млакатимиз ва умуман, минтақа-мизда илк марта таъкил эти-лаётгани билан алоҳида эътибор-га молик. Эеро, мазкур саммит-ни Ўзбекистонда ўтказиш тўғри-сидаги қарорга келиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбеки-стоннинг парламентаризмини рив-ожлантириш борасида эришган ютуқлари, гендер сиёсатидаги се-зиларли натижалари ва жамият-ни демократлаштириш йўлида амалга оширилаётган туб ислохотларининг ўзига хос эътирофидир.

«Халқ сўзи».

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Сайлов кодексининг 9-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республика-си, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказ-ий сайлов комиссияси томонидан тузилди. Ҳозирги кунда ҳудудларда Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 14 та сайлов округи тузилган. Кодексга мувофиқ, участка сайлов комиссиялари сай-ловга 40 кун қолганда тузилади. Участка сай-лов комиссияси томонидан сайловчиларнинг рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича тузилади.

Сайловларда фуқароларнинг иштирокига қараб уларнинг мамлакатда олиб борилаёт-ган давлат сиёсатидаги муносабати аниқлана-ди, фикрлар хилмаҳиллиги намоён бўлади. Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асо-сланган демократик ҳуқуқий давлатнинг аж-ралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эр-кин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокнинг асосий шаклидир. Фуқароларимизнинг сай-ловларда қатнашиб, ўз номзодларига овоз беришлари Ўзбекистон Республикаси Кон-ституциясининг "халқ давлат ҳокимиятини бирдан-бир манбаи" эканлиги нормасини тўлиқ ифодалайди.

Бу йилги сайловда ҳам унинг халқро стандартлар асосида ташкил этилганлигини кузатиш мақсадида халқро ва маҳаллий ку-

затувчилар иштирок этади. Умуман, сайлов-ларда халқро кузатув институти — хорижий давлатлар, халқро ташкилотлар ва харакат-лардан тайинланмаган вакиллар (кузатув-чилар) орқали тегишли мамлакатда сайлов-ларга тайёргарлик кўрилиши жараёнини, сай-ловларнинг очик ва ошқора ўтказилишининг таъминланганлигини кузатиб боришдан иборат.

Ўзбекистонда сайловлар халқро кузату-ви миллий қонун ҳужжатлари ва халқро стандартларга мувофиқ ташкил этилади. Сай-ловларда халқро ва маҳаллий кузатувчилар-нинг иштироки Марказий сайлов комис-сиясининг тегишли қарори билан тасдиқлан-ган Участка сайлов комиссияси низомининг 67-бандини ишлаб чиқишда инобатга олин-ган. Ушбу бандга кўра, сайлов кунини овоз бериш вақтида участка сайлов комиссия-си биносига қуйидагилар ҳозир бўлиши мумкин: тегишли участка сайлов комис-сияси аъзолари; тегишли округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари; сиёсий партиялар кузатувчилари; оммавий ахборот восита-лари вакиллари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари; бошқа давлатлар ва халқро ташкилотлар-дан кузатувчилар; участкадаги сайловчи-лар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар.

Шунингдек, Сайлов кодексининг 33-мод-дасида кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва маж-

буриятлари белгилаб берилган. Сайловлар-да кузатувчи сифатида хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлар вакиллари иштирок этишади. Мамлакатимиздаги бу йилги сай-ловда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бу-тунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Мустақил Давлат Ҳамдўстлиги, Ислоҳ ҳам-корлик ташкилоти вакиллари қатнашишлари кутилмоқда. Ташқи ишлар вазирлиги ўз та-шаббусига кўра ёки давлат ҳокимияти орган-лари, вазирликлар, идоралар, илмий-тадқи-қот институтлари, бошқа ташкилот ва маус-асалар тақлифларига кўра сайловларга хорижий (халқро) кузатувчиларни тақлиф этади.

Мамлакатимизда хорижий (халқро) куза-тувчиларнинг иштироки кенгайиб бормоқда. Мазкур ташкилотларнинг сайловларда қат-нашиши сайловларни ўтказиш жараёнида амалдаги миллий қонунчилик ва халқро стандартларга мувофиқ сайловлар очиклиги ва шаффоғлигини таъминласа, иккинчи то-мондан, кузатув давомида сайлов жараёни-да йўл қўйиладиган камчиликлар, шу жумла-дан, сайлов қонунчилиги бузилишининг ол-дини олишга хизмат қилади.

Гўзал САЪДИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат бошқаруви академияси катта ўқитувчиси.

«Халқ сўзи».



МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТГАН ЯНГИ ДАВРОНИМ



Қалбларга кўчган денгиз...

Орол инкүрози — кечаги муаммо эмас. Ҳозирнинг 70-йилларида денгиз аста-секин қурий бошлади. Саксонинчи йилларга келиб, у ўз соҳилидан 15 — 20 километрга орта чекинди. Ҳозирда ҳосил бўлган саҳро эса 1987 йилдан "Оролқум" дея аталди.

Бугун улкан денгизнинг эски қирғоғи билан ораси — 100 километр! Тубида 5,5 миллион гектардан иборат қум майдони ҳосил бўлган! Ҳавза суви ҳажми 1964 йилдагидан 15 баробар, сатҳи эса 29 метр қисқарган. Бир литр суви таркибиде 150 — 300 граммгача туз мавжуд. Бу океаннинг шўр сувиға қўйслаганда, қарийб ўн баробар юқори кўрсаткич. Шу боис илгари бу ерда мавжуд бўлган 38 турдаги балқилар қирилиб кетган.

Энг ёмони, Оролқумдан шамол йилиға юз миллион тоннагача қум ва тузи озилаб километрга учиради. Бу — заҳар-заққум аралаш тўзон. Пахта яққақокимлиги асоратлари, ўша даврларда дарёлар оқизиб келган гербицид, пестицид сингари моддалар...

Таҳлилларға кўра, Қорақалпоғистон минтақасининг ҳар гектарыға қарийб 5 тоннагача шундай қум ва туз ёғиларкан. Ана шундай ўта оғир вазиятда Оролбўйи аҳлиға замонавий шарт-шароитларға янгилашиллар у ёқда турсин, ҳатто тоза ҳаво ўта танқис неъматға айланган эди.

Шу боис давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Орол инкүрозининг ҳақиқий қўламини бутун дунёға ошқор қилди. Банибашарға ҳулоса чиқариш учун намоийш этилган фожиа харитаси эса жаҳон ҳамжамиятини ларзаға солди.

Бундан ташқари, уч йил аввал Туркманбашо шаҳрида "Аваза" сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган Оролни қўтариш халқаро жамғармаси таъсиси давлатлари раҳбарлари мажлисида ҳам Юртбошимиз ўшбу фожиа оқибатларини барқараф этиш бўйича барча сайёҳаракатларни бирлаштириш таклифини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил этиш борасидаги ташаббусни илгари сургани ва бу БМТ томонидан қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Амалий сайёҳаракатлар эса Президентнинг Мўйноққа илк таширидан сўнг жадал бошланғиб кетди.

Мўйноқни бир келиб кўринг!

Маълумотларға кўра, Орол фожиясини юмшатишға аввал ҳам уринишлар бўлган. Яъни бу ҳудудға 42 йил давомида жами 400 минг гектар майдонға саксовул экилган. Бироқ сайёҳаракатлар қуттилган самара бермагач, маҳаллий аҳолида умидсизлик, тушқунлик кайфияти кўчайиб бораверган.

Президентимизнинг эзгу ташаббуслари эса 42 йиллик сайёҳаракатларни жуда қисқа муддатда амалға ошириш мумкинлигини исбот этди. Шу тариқа биргина 2018-2019 йиллар қиш-баҳор мавсумида Орол денгизининг қуриган тубида 500 минг гектарлик ўрмонзорлар вужудға келтирилди. Ҳозир Оролқумнинг 1,2 миллион гектар майдонига саксовул экилган. Бундай ашил ўрмонлар келгусида 5 миллион гектарға етказилиши режалаштирилган.

Бугун Қорақалпоғистоннинг қайси туманиға борманг, қай соҳа вакили билан суҳбатлашманг, Мўйноқдан бошланган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари барча ҳудуд ва соҳаларда изчил давом этаётганини эътироф қилади. Ҳудудда паствак, лойсувоқ, қамишдан тикланган ўйлар ўрнида замонавий шаҳарча бунёд қилинаётди. Одамлар узққ Кўнғиротдан тортиб келинган ичимлик сувидан баҳраманд. Туман марказида янгидан қурилган амфитеатр, давлат хизматлари маркази, мусика ва санъат мактаби, боғча-лар, спорт зали, ёпиқ бассейн, замонавий андозаларға мос таъмирланган маданият маркази, оилавий поликлиника, кўнғилочар масканлар одамлар билан гавжум. Мўйноқ аэропорти янги лойиха асосида қайтадан қурилди. "Оқ кема" бо-

ларлар оромгоҳида фарзандларимиз яраб хордиқ чиқармоқда. Тикувчилик, балқичилик, қурилиш моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарда юзлаб одамлар ишли, даромадли, қисқача айтганда, эртасидан кўнгли тўлиб, орзу-умидли бўлди.

Мисол учун тикувчилик корхонаси сифатида иш бошлаган "Мўйноқ порлоқ текс" масъулияти чекланган жамияти 350 кишини ўз бағриға олди. Замонавий тикув машиналари ўрнатилган янги корхона йилиға 1 миллион дона тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватиға эға. Ҳозирги кунда чойшаба, кўрпа жилдлари ва махсус иш

Ҳозирги кунда тумандаги "ойнаванд дала"лар майдони 30 гектарға етди. Бу имкониятдан, айниқса, аҳоли унумли фойдаланапти. Шу тариқа Тахиятош бозорларидан қишда ҳам ёз неъматлари ариманпти. Ички эҳтиёждан ортгани кўшни туманларға ва хорижға сотилмоқда.

Туман ҳокими Илҳом Маткаримовнинг айтишича, Тахиятошда бу фаолият турини ривожлантириш ташаббускори — давлатимиз раҳбари. Чунки Озиқ-овқат саноати ва Иссиқхона ташкил этиш йўналишлари ҳудуднинг ўзига хос "ўсиш нуқтаси", яъни "драйвер"и сифатида белгиланган. Президентимизнинг

197 бош насли қорамол келтирилганидан хабар топдик. Жамият мутасаддилари бунинг учун янги чорва комплекси қуриб ишға туширди. Шунингдек, Туркиядан соҳани ривожлантириш учун зарур асбоб-ускуналар олиб келинди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида бу ерда сут маҳсулотларини қайта ишлаш режалаштирилган.

Умуман, туманда мазкур йўналишда 46 та лойиҳани рўёбға чиқариш белгиланган бўлиб, ҳозиргача 27 таси муваффақиятли рўёбға чиқарилди. Натижанда маҳаллий аҳоли вакилларидан 57 нафарининг бандлиги таъминланди.

Изланганга имкон кенг

Фарҳод Исмаилов — тажрибали педагог. Шу билан бирға, ишбилармонликда ҳам донги чиқётганлардан. Тўрт йил аввал Тўрткўл туманидан 70 километр олинда жойлашган "Кўкча" овул фуқаролар йиғинида "Кўкча судак сазани" балқичилик фермер хўжалигини ташкил этганди. Ушбу оилавий корхона дастлаб "луқмаи ҳалол" етиштириш ва сотиш билан шуғулланган бўлса, кўп ўтмай буюртмачиларға балқич чавоқлари етказиб беришни ҳам йўлга қўйди.

"Изланганга имкон кенг", деганлари рост. Фарҳод оға балқич етиштириш билан чекланиб қолмади. Аввалиға шунчаки қизиқиши сабаб 6 бош қурқа ва 2-3 бош қўёни парваришлай бошлади. Бунинг учун овулдаги қаровис майдонни танлаб, хўжалик учун ошлаштирди. Ҳозир тадбиркор бу йўналишда муваффақиятли иш олиб борапти. Қўён ва қурқалари сони 70 бошдан ошган.

Фарҳод оғанин айтишича, "великан" ва маҳаллий қўёнларимиз чиқарилиши натижасида янги насл яратилди. У бизнинг иқлим шароитимизға мос. Шунинг учун талабгор кўп. Яқинда бир қанчаси

“ Катта минбарлардан айтилиб, қоғозлардан ҳайётға кўчмай қолиб кетган не-не баландпарвоз қақирғу вадаларға гувоҳ бу эл. Лекин янги Ўзбекистонда янги қадамлар қўтлуғ келди. Бундан қарийб беш йил аввал Оролбўйи минтақасида ҳам янги ҳайёт экинлари эса бошлади. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган чўлу биёбонларға бунёдкорлик, яратувчанлик нафаси кириб келди. Қум барханлари бағрини ёриб ўтган темир йўллар кишилар қалбига қайтадан умид олиб кирди. ”

формалари тикилмоқда. Шу ерда савдо дўкони ташкил этилган. Янги қурилатган уйлардан корхона ишчилари учун хонадонлар ҳам ажратилган.

Умуман, 2019 — 2021 йилларда ҳудудда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалға ошириш кўзда тутилган.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасиға ташрифи чоғида "Агар кимдир бизнинг ислохотларимизға шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин", деганида турмушимизға кириб келган ана шундай янги эпкинини, одамларнинг эртаға эмас, олис келажақда эмас, бугун яхши яшашиға шарт-шароитлар яратишға қаратилган ишларнинг аллақачон ҳайётға кўчганини назарда тутгани, шубҳасиздир.

Нукус помидорлари Европада сотиляпти

Баъзилар сервус ва серунум ердан тузук-қуруқ ҳосил ололмай ёки етиштирган мева-сабзавотиға харидор излаб сарсон юрган кезларда Оролбўйи минтақаси ишбилармонлари маҳсулотларига Европададан буюртма тушмоқда.

Мана, Нукус туманидаги "Biogimus Farm" фермер хўжалиги жорий йилда 30 гектар майдонға помидорнинг махсус навини экинди. Бунинг учун Франциядан келтирилган махсус уруғ ундирилиб, парваришланди. Натиха қутилгандек ижобий бўлди. Аммо ишнинг кўзини яхши билган тадбиркорлар ҳосилни кўтарасиға бозорға чиқармади. Ақсинча, помидорни тузлаб, табиий шароитда, қуёш нури остида қуриштириш йўлга қўйди. Шу сабабли ҳам ҳозир ушбу маҳсулотларға Франция ва Италия бозорларида талаб ортиб бормоқда. Корхона мутасаддиларининг айтишича, ўтган йили 36 тонна қурилган помидорни экспорт қилган. Бу йилги ҳосил эса аввалги мавсумдагиға нисбатан 2 баробор кўп. Демак, экспортни 72 тоннаға етказиш имконияти бор.

Тадбиркорнинг бойигани — халқнинг бойигани. "Biogimus Farm" фермер хўжалиги экиш мавсумидан, то маҳсулотни йиғиштириб олгунға қадар 180 — 200 нафаргача маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаб келмоқда. Яъни шунча кишининг рўзғориға баракча қиряпти, даромадига даромад қўшилмоқда.

Тахиятошнинг «ўсиш нуқтаси»

Тахиятошликлар иссиқхона ташкил қилиш бўйича Оролбўйида пешқадам.

2020 йил 11 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориде бунга доир вазифалар ўрин олган. Мазкур ҳужжатға қўра, Тахиятош туманида уч йилда умумий қиймати 753 млрд. сўмлик лойиҳалар асосида 101 та объектда ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Шундай ислохотлар натижасида яқинда "Найман Агро теплица" масъулияти чекланган жамияти иссиқхонасида етиштирилган 30 тонна неъматлар экспортға жўнатилди. Миришқорлар март ойигача ташқи бозордан даромад олишни кўзлаб турибди.



Кенжа тумандаги катта лойиҳалар

Бўзатов — давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайта ташкил қилинган туман. Бу ҳудуд Мўйноқ, Тахтақўпир ва Кўнғирот туманлари сафида чорвачиликка иктисослаштирилди.

Ҳозир туманда аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида қатор истиқболли лойиҳалар ҳайта таъбиқ этилмоқда.

Жумладан, ўтган қисқа даврда Бўзатовға Германия, Эстония, Австрия, Украина, Беларусь каби давлатлардан 399 бош насли қорамол ва 568 бош қўй олиб келинди. Яқинда эса "BOZATAW SIMMENTAL" МЧЖға Нидерландиядан



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хоразм вилотиға сотилди. Ўз навбатида, овулдаги эҳтиёжман оилаларға ҳам айни шу наслдаги қўёнлардан тарқатилмоқда. — Қўёнлар тез қўпаяди. Ем танламайди. Тоза ва беозор. Бизнинг ҳудудимизда эса ер, ем-хашак бисёр, — дейди фермер.

Ўзимизнинг «Лас-Вегас»

Қорақалпоғистон — қадимий гўша. Бу ерда 288 та тарихий ва маданий мерос объекти, диққатға сазовор жойлар ҳамда зиёратгоҳлар мавжуд. Беруний туманидаги "Султон Увайс бобо", Эллиққалъа туманидаги "Абдулло Норинжон бобо" ва "Кечирмас бобо", Қўнғирот туманидаги "Довут ота", Ҳўжайли туманидаги "Миздақон" комплекслари ва Чимбой туманидаги "Бердак бобо", "Кунхожа бобо" ва "Ережен тентек" мақбаралари шулар жумласидандир. Қўйқирилган қалъа, Тўнроққалъа, Аёзқалъа, Гўлдурган қалъа, Ақчохон қалъа, "Чиллик" каби ёдгорликлар ҳам жаҳон қадимшуносларининг эътибориға тушиб улгурган манзилгоҳлардан.

Ҳўш, бу маълумотлар нимадан далолат беради? Гап шундаки, туризм — Оролбўйи минтақаси учун истиқболли ва сердаромад йўналиши. Қорақалпоғистон Республикасида

«Сахродаги Лувр»

Қорақалпоғистонда иқтисодийёт тармоқлари, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари билан бир қаторда, ижтимоий соҳалар ҳам жадал ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ҳар йилги минтақаға ташрифи, аввало, халқ билан мулоқотнинг аққол амалии ифодаси сифатида қорақалпоғистонликлар қалбини тоғдек кўтариб, эзгу ният билан қилаётган меҳнатлари, бунёдкорлик фаолиятиға янада куч-ғайрат бағишлайди.

Бу ташрифлар натижаси ўлароқ нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун мамлакатимизнинг фаҳри бўлган, дунёда "Сахродаги Лувр" дея шуҳрат қозонган Нукус шаҳридаги И. Савицкий номидаги давлат санъат музейининг муҳташам иккинчи корпуси қурилиб, юксак халқаро стандартлар асосида жиҳозланди ва фойдаланишға топширилди. Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейи би-



Аслида, кўнғилға йўл топиш осон эмас. Дил ташналиги баъзан биргина ширин сўз билан босилса, гоҳи жами эзгуликлардан баҳраманд бўлиб ҳам таскин топмайди. Қорақалпоқ элининг қалбиде эса доимо улкан бир денгиз яшайди. Бугун ана шу юраклар меҳр чашмасидан лиммо-лим. Бугун ана шу кўнғилларда мавжланган уммонларда бир кема чайқалади. Унинг номи шишоат. Бунёдкорлик шишоати!

Кенес КАРИМОВ, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефониғи орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашрчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббеков. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.15 Топширилди — 03.55 1 2 3 4 5 6